

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМОНОВ АБДУҚАҲҲОР АБСАТТОРОВИЧ**

**ЁҚУБ АБУ ЮСУФНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ҒОЯЛАРИ**  
**ВА УНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Рахмонов Абдукаҳҳор Абсатторович**

Ёкуб Абу Юсуфнинг ижтимоий-фалсафий ғоялари  
ва унинг Марказий Осиё халқлари ҳаётига таъсири ..... 5

**Рахмонов Абдукаҳҳор Абсатторович**

Социально-философские идеи Якуба Абу Юсуфа  
и его влияние на жизнь народов Центральной Азии ..... 23

**Rakhmanov Abdukakhkor Absattorovich**

Socio-philosophical ideas of Yakub Abu Yusuf  
and his influence on the life of the peoples of Central Asia ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 48

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМОНОВ АБДУҚАҲҲОР АБСАТТОРОВИЧ**

**ЁҚУБ АБУ ЮСУФНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ҒОЯЛАРИ**  
**ВА УНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Fal551 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қодиров Муҳаммаджон**  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Намозов Бобир Бахриевич**  
фалсафа фанлар доктори, доцент

**Пардаева Марҳабо Давлатовна**  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил “7” Эмварь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz))

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (260 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “26” декабрь кунини тарқатилди.  
(2022 йил “26” декабрь даги 41 рақамли реестр баённомаси.)



**Наврўзова Г. Н.**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Шарипов А. З.**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Саломова Ҳ.Ю.**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобаллашув жараёни, кишилиқ жамиятининг барча соҳаларидаги ўзгариш ва янгилашишлар инсоният тараққиётини, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани намоён этмоқда. Аини пайтда ҳаёт сурьатларининг беқиёс даражада тезлашуви инсон онги, хусусан ёшлар онгини ахлоқ-одоб, умуминсоний қадриятлар, инсониятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий тараққиёти тарихи анъаналари асосида шакллантиришни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикр тарихини, айниқса, Ёқуб Абу Юсуф таълимотидаги ижтимоий адолат, жамият фаровонлигига оид ғояларини, ижтимоий давлат барпо этиш ҳамда инсон қадрини юксалтириш йўналишлари ва тамойилларининг фалсафий-тарихий хусусиятларини очиқ бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида ислом фалсафаси, маънавий мероси ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ алломаларнинг илмий фаолияти ва ижтимоий-фалсафий ғояларини жамият ҳаётига татбиқ этиш, ёшларни турли маънавий таҳдидлардан асрашга қаратилган фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада Аббосийлар даврида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг механизмлари, маданий-маънавий ҳаёти, мусулмон солиқ тизими асослари жамият ҳаётини гуллаб яшнашига хизмат қилгани билан муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли Абу Юсуфнинг “Китоб ал-харож” асаридаги солиқ тизимини тартибга солишга оид тамойилларни, давлатнинг ижтимоий фаолиятини тартибга солиш, ҳукмдор ва давлат амалдорларининг жамият фаровонлиги учун масъуллиги, фуқароларнинг бурч ва мажбуриятлари каби қарашларини тадқиқ этиш зарурати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида барпо этиш, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, муносиб ҳаёт кечиришга зарур шароитлар яратишга оид кенг ислохотлар амалга оширилмоқда. “Авваламбор, Янги Ўзбекистон стратегиясининг мустаҳкам таянчи ва суянчи бўладиган тарихий-маънавий омил, яъни бизнинг энг катта бойлигимиз – халқимизнинг улкан маданий мероси, интеллектуал салоҳияти мавжудлигидир. Жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётган ушбу илмий-маънавий мерос дунё маданияти ва маънавияти тараққиётига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилгани маълум. Айнан ана шу омил Янги Ўзбекистон пойдеворини яратишда, илм-фан, маънавий ва маданий фаолият, таълим-тарбия соҳаларини кенг ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш учун асос бўлмоқда”<sup>1</sup>. Айниқса, Абу Юсуф таълимотидаги давлатнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти ва мажбуриятлари, ҳалол ва адолатли бошқарув тизими, халқ фаровонлигини таъминлаш сиёсати оид қарашлари юртимизда барқарор тараққиётни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “O’zbekiston”, 2021. – Б.34-35.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сон “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда Ёқуб Абу Юсуфнинг илмий меросини ўрганишга қизиқиш XX асрнинг 30 йилларидан бошланган. “Китоб ал-харож” асари Абу Юсуфнинг ижтимоий-фалсафий ва иқтисодий қарашларига оиддир. Бу асар 1885 йил Мисрдаги Булак босмахонасида, 1928 йил Қоҳирада арабчада нашр этилган. Э. Фарян томонидан француз тилига, А. Бен Шемеш томонидан инглиз тилига таржима қилинган. Вормс, Берхема, А. Ислоҳий, М. Сиддиқий томонидан батафсил ўрганилган<sup>2</sup>.

МДҲ мамлакатлари олимларидан А. Шмидт, И. Крачковский, Э. Разуновский, А. Боголюбов, Р. Беккин томонидан Абу Юсуфнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари ўрганилган<sup>3</sup>. Хусусан, А. Шмидт Абу

---

<sup>2</sup>Ёқуб Абу Юсуф ибн Иброҳим ал-Ансорий ал-Куфий. // ЎзФА ШИ Шарқ кўлэмалари маркази фонди, № 9325/II.; Абу Йусуф Йақуб б. Ибраҳим ал-Куфи. Китаб ал-Харадж (Мусульманское налогообложение) / Пер. с арабского и комментарии А. Э. Шмидта. Супракомментарии к переводу А. С. Боголюбова. Подготовка к изданию, вступит.статья и указатели А. А. Хисматулина. – Санкт-Петербург., 2001. – С.5; Abu Yusuf Ya'qub ibn Ibrahim. Kitab al-Kharaj.al-Matba'ah al-Salafiyah. Cairo., 1928; Fagnan E. Abou Yousof Yakoub. Le Livre de l'impotfoncier (Kitab el Kharadj). Paris., 1921; Серия: памятники культуры Востока. - Санк-Петербург., 2001. – С.15; Ben Shemesh.Taxation in Islam. Leiden: E.J.Brill., 1958. Vol. I. - P.172.; Siddiqi M.N. History of Islamic Economics Thought. – Jeddah, 1992. – P.252.; Abdul Azim Islahi. Contribution of Muslim Scholars to Economic Thought and Analysis. - Jeddah. 2014. – P.122.

<sup>3</sup> Абу Йусуф Йақуб б. Ибраҳим ал-Куфи. Китаб ал-Харадж (Мусульманское налогообложение) / Пер. с арабского и комментарии А. Э. Шмидта. Супракомментарии к переводу А. С. Боголюбова. Подготовка к изданию, вступит.статья и указатели А. А. Хисматулина. – Санкт-Петербург., 2001; Крачковский И.Ю.

Юсуфнинг “Китаб ал-харож” асарини рус тилига таржима қилган. Э. Рауновский томонидан қайта тартибланган. Академик Крачковский ўзининг бир мақоласида шундай дейди: “Сўнгги йилларда А.Э. Шмидт СССР ФА Шарқшунослик Институтини ташаббуси билан VIII – IX асрлардаги халифаликнинг ижтимоий-иқтисодий тарихи бўйича энг асосий манбалардан бири бўлган, Ҳорун ар-Рашид даврида қози бўлиб ишлаган Ёқуб Абу Юсуфнинг “Китоб ал-харож” асари устида зўр қизиқиш билан ишлади. Қўлёзмани таржима қилиш тўлиқ яқунланди, уни нашр этса бўлади. Лекин таржимоннинг вафоти қўлёзмани илмий текширув олиб боришга халал берди, бироқ қўлёзма таржимасининг баъзи жойларига изоҳ ва кўрсатмалар бермай туриб уни нашр этиб бўлмайди”<sup>4</sup>. А.С.Боголюбов анча машаққат билан “Китоб ал-харож” асарини араб тилидан таржима қилиб, ўз шарҳларини қўшган, ўзининг таржимаси билан солиштирган ҳолда икки хил таржимадаги баҳсли жойларга аниқлик киритган<sup>5</sup>.

Ўзбекистонда Абу Юсуфнинг ҳаёти ва ижоди профессор Жузжоний томонидан ўрганилган<sup>6</sup>. Абу Юсуфнинг “Китоб ал-харож” асари 2021 йил Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинаси бўлими илмий ходимаси А. Маннапова томонидан ўзбек тилига таржима қилинди<sup>7</sup>. Шунингдек, ислом фалсафаси инсонпарварлик моҳити ва маънавий-ахлоқий кадриятлари билан боғлиқ масалалар М. Қодиров, Д. Пўлатова, Г. Наврўзова, Б. Намозов, Э. Зоиров, Ҳ. Саломова, М. Пардаева, Ф. Музаффаров илмий ишларида таҳлил этилган<sup>8</sup>.

Юқорида келтирилган тадқиқотлар таснифи шуни кўрсатадики, улар асосан исломшунослик, шарқшунослик, манбашунослик йўналиши доирасидаги тадқиқотлар бўлиб, Абу Юсуфнинг илмий мероси ва ижтимоий-фалсафий қарашларини ўрганиш бўйича яхлит комплекс илмий тадқиқот амалга оширилмаган. Мазкур диссертация мавзуси доирасидаги муаммо Ёқуб Абу Юсуф фалсафий ғояларининг Марказий Осиё халқлари иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий-маънавий ҳаётига кўрсатган таъсирини очиқ беришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

---

Избранные сочинения. М.: из-во АН СССР., 1958; Беккин Р.И. Исламская экономическая модель и современность. Москва, Издательский дом Марджани, 2009. – 316 с.

<sup>4</sup> Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. М.: из-во АН СССР., 1958. - С.167-168.

<sup>5</sup> Абу Юсуф Ёяқуб б. Ибрахим ал-Куфи. Китаб ал-Харадж (Мусульманское налогообложение) / Пер. с арабского и комментарии А. Э. Шмидта. Супракомментарии к переводу А. С. Боголюбова. Подготовка к изданию, вступит.статья и указатели А. А. Хисматулина. – Санкт-Петербург., 2001. – С.8.

<sup>6</sup> Жузжоний А.Ш. Ислам ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2002. – Б.252.

<sup>7</sup> Имом Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Куфий. Китоб ал-харож. таржимон. А.Маннапова. – Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёти, 2021. – Б.240.

<sup>8</sup> М.Қодиров. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури. Тошкент. ТДШИ нашриёти. 2009. – Б. 212; Пўлатова Д., Қодиров М., Аҳмедова М., ва бошқ. Фалсафа тарихи: Шарқ фалсафаси. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДШИ. 2013; Г. Наврўзова, Э. Зоиров. Бухорои шарифнинг етти пири. Тошкент, 2022. –Б. 204; Б. Намозов. Муҳаммад Порсонинг фалсафий таълимоти. Монография. Тошкент. 2015. – Б. 176; Ҳ. Саломова Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва аҳамияти. Бухоро: Дурдона, 2018; М. Пардаева. Ижтимоий адолат тушунчаси, унинг намоён бўлиши ва ривожланиши // Фуқаролик жамияти. –Тошкент, 2009. - № 1. – Б. 38-41. Ф. Музаффаров. Имом Ғазолий ва шарқ перипатетик фалсафаси. Бухоро: Дурдона, 2022. –Б.228.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Шарқ фалсафаси ва маданияти қадриятлари” (2017-2022 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ёқуб Абу Юсуф фалсафий ғояларининг Марказий Осиё халқлари иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий-маънавий ҳаётига кўрсатган таъсирини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

Илк халифалик давридаги ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ҳолатни ўрганиш орқали Абу Юсуф яшаган даврни тадқиқ қилиш;

Мусулмон солиқ тизимининг шаклланишида Абу Юсуфнинг хизматларини очиб бериш ҳамда фикҳ уламолари томонидан ислом иқтисоди бўйича ёзган манбалар билан қиёсий таҳлил қилиш;

Ёқуб Абу Юсуфнинг ҳаёти, фаолияти ва унинг илмий меросини чуқур ўрганиш;

Абу Юсуфнинг ижтимоий-иқтисодий ғояларининг мусулмон жамияти турмуш тарзига амалий жорий этилишини очиб бериш;

Абу Юсуф қарашларида ижтимоий адолат ғоясининг фалсафий асосларини аниқлаш;

Абу Юсуфнинг ижтимоий-фалсафий ғояларинг Марказий Осиё халқлари ҳаётига таъсирини очиб бериш;

Ҳанафийлик назариясининг тараққий этишида Абу Юсуфнинг хизматларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** Ёқуб Абу Юсуфнинг илмий мероси ва ижтимоий-фалсафий қарашлари ташкил этади.

**Тадқиқот предмети** Абу Юсуфнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари асосида ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини илмий-фалсафий таҳлил этиш билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий таҳлил, ретроспектив таҳлил, тизимли ёндашув, креатив ёндашиш, диалектик, герменевтик, синергетик илмий билиш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк Аббосийлар давридаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг хусусий мулк, шахсий ташаббус ва эркин савдо муносабатлари каби бозор механизмлари, маданий-маънавий ҳаётнинг фуқароларнинг ҳаёти, уларнинг яшаш тарзи ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш каби устувор йўналишлари мусулмон солиқ тизими асосларининг шаклланишига сабаб бўлганлиги очиб берилган;

Абу Юсуфнинг “Китоб ал-харож” асаридаги солиқ тизимини тартибга солишга оид ҳалол ва адолатли муомала ва даромадларни адолатли тақсимлаш, солиқ мулки ва миқдорини аниқлаш, муҳитни ҳисобга олиш, солиқ капиталига ёндашув каби тамойилларнинг иқтисодий соҳада давлатнинг ижтимоий фаолиятини тартибга солиш ва амалий ҳаётда давлат даромадлари ва харажатлари ўртасидаги муносабатларнинг оптимал варианты эканлиги фалсафий жиҳатдан асослаб берилган;

Абу Юсуф таълимотидаги ижтимоий адолат ғоясининг уруш ва тинчлик даврида давлатнинг ҳаракатлари, ҳарбий қонун-қоидалар, ҳукмдор ва давлат амалдорларининг жамият фаровонлиги учун масъуллиги, фуқароларнинг бурч ва мажбуриятлари каби хусусиятлари халқ фаровонлигини таъминлашда, даромадларни тенг тақсимлашда, ижтимоий давлат барпо этишда муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли Марказий Осиё халқлари тараққиётини таъминлаш омили эканлиги очиб берилган;

давлатнинг аҳолининг асосий эҳтиёжларини таъминлашга оид ижтимоий-иқтисодий фаолияти ва мажбуриятлари, ҳалол ва адолатли бошқарув тизими ўрнатиш, иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш, халқнинг фаровонлигини таъминлаш сиёсатига оид қарашларининг Янги Ўзбекистонда инсон қадрини юксалтириш, ижтимоий давлатни барпо этиш мақсадларига ҳамоҳанглиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Мовароуннаҳр, Хуросон ва араб халифалигидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаёт, мусулмон солиқ тизимининг шаклланиши, Абу Юсуфнинг илмий меросининг ҳанафий мазҳабининг шаклланиши ва тарқалишидаги ўрни очиб берилган;

инсон манфаатларини қадрлаш, унинг маънавиятини юксалтириш ва ижтимоий адолат ғоясини жамият ҳаётига татбиқ қилишда Абу Юсуфнинг “Китоб ал-харож” асаридаги солиқ тизими бўйича ғоялардан назарий-методологик асос сифатида фойдаланиш зарурати очиб берилган;

“Китоб ал-харож” асари ҳанафийликни назариядан амалиётга ўтганлигини, адолатли давлат бошқарувида асосий ҳуқуқий манбага айланганлигига оид тавсиялар ёшлар маънавий дунёқарашини юксалиши, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга оид маънавий-маърифий тарғибот ишларини амалга оширишда, ислом дини, фикҳ илми, исломий солиқ тизимига оид илмий-амалий масалаларни ўрганиш борасида олиб борилаётган тадқиқотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар биринчи манбадан олинганлиги, ёндашув, услуб ва усуллар тўғри танланганлиги, илмий маълумотларнинг расмий ва ишончли далиллардан олинганлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокамадан ўтганлиги, миллий ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тақдим этилган илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан Ислом халқаро академияси, Имом Термизий, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказлардаги илмий тадқиқотлар учун назарий манба бўлиб хизмат қилиши, олий таълим муассасаларида бакалавр ва магистратура босқичларида “Фалсафа”, “Шарқ фалсафаси ва маданияти”, “Ислом тарихи асослари”, “Жаҳон ва Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий

мероси” каби фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илмий-тадқиқот институтлар, фалсафа тарихи, хусусан шарқ фалсафасига оид илмий грант лойиҳалари, маданият марказлари фаолиятида, шунингдек, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилишда, баркамол шахсни шакллантириш омиллари, илм-маърифат, тарбия ҳақидаги фикрлар асосида миллий ғоя, миллий онг ва миллий ғурурни ёшлар онгига сингдиришга қаратилган тарғибот ишларида, келажакда амалга оширилиши зарур бўлган илмий тадқиқотларни мазмунан бойитишда, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришда, ижтимоий соҳада фаолият олиб боровчи фуқаролик жамияти институтларининг амалий фаолиятларида, медиаконтентлар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ёқуб Абу Юсуфнинг ижтимоий-фалсафий ғоялар ва уларнинг Марказий Осиё халқлари ҳаётига таъсири мавзусини тадқиқ этиш давомида олинган илмий натижалар асосида:

Абу Юсуф таълимотидаги ижтимоий адолат ғоясининг уруш ва тинчлик даврда давлатнинг ҳаракатлари, ҳарбий қонун-қоидалар, ҳукмдор ва давлат амалдорларининг жамият фаровонлиги учун масъуллиги, фуқароларнинг бурч ва мажбуриятлари каби хусусиятлари халқ фаровонлигини таъминлашда, даромадларни тенг тақсимлашда, ижтимоий давлат барпо этишда муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли Марказий Осиё халқлари тараққиётини таъминлаш омили эканлиги тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Инновацион вазирлигининг ИЗ-20170927504-сон “Сурхондарё вилояти экотуризм салоҳияти” номли грант лойиҳасида Сурхондарё воҳаси тарихи, унинг экотуризм салоҳиятида тутган ўрни ҳамда мазкур йўналишда “Йўл хариталари” ишлаб чиқишда фойдаланилган (Сурхондарё вилояти ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери марказининг 2021 йил 18 февралдаги 2/5-сон маълумотномаси). Натижада ушбу манбалар ички ва ташқи туризмни ривожланишига ва аждодларимиз маънавий меросини жаҳонга тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб хизмат қилган;

илк Аббосийлар давридаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг хусусий мулк, шахсий ташаббус ва эркин савдо муносабатлари каби бозор механизмлари, маданий-маънавий ҳаётнинг фуқароларнинг ҳаёти, уларнинг яшаш тарзи ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш каби устувор йўналишлари мусулмон солиқ тизими асосларининг шаклланишига сабаб бўлганлиги тўғрисидаги тадқиқот натижалари, илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020-2021 йилларда ўтказилган тарғибот фаолиятида татбиқ этилиб, юртимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар дастурининг 51-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда мақсадида ўтказилган тарғибот тадбирларида диссертация материалларидан фойдаланилган. (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил

15 февралдаги 02/02/205-сон далолатномаси). Натижада, диссертацияда илгари сурилган илмий хулосалар, амалий таклифлар ислом дини, фикҳ илми, исломий солиқ тизим ва ҳанафийлик мазҳаби таълимотига оид илмий-амалий масалаларни ўрганиш борасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Абу Юсуфнинг “Китоб ал-харож” асаридаги солиқ тизимини тартибга солишга оид ҳалол ва адолатли муомала ва даромадларни адолатли тақсимлаш, солиқ мулки ва миқдорини аниқлаш, муҳитни ҳисобга олиш, солиқ капиталига ёндашув каби тамойилларнинг иқтисодий соҳада давлатнинг ижтимоий фаолиятини тартибга солиш ва амалий ҳаётда давлат даромадлари ва харажатлари ўртасидаги муносабатларнинг оптимал варианты эканлиги юзасидан илмий янгиликлардан Имом Термизий илмий-тадқиқот маркази фаолиятида фойдаланилган (Имом Термизий илмий-тадқиқот марказининг 2022 йил 12 январдаги 01-07/06-сон маълумотномаси). Натижада Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари томонидан нашр этилган соф ислом эътиқоди ва таълим-тарбияга оид қуйидаги Ҳаким Термизийнинг “Ҳаким Термизий йўлининг бошланиши”, “Нафс одоби”, “Нафс риёзати” ва “Касб-тирикчилик баёни” номли рисоалар, Сўфи Оллоҳёрнинг “Сабот ул-ожизийн” ҳамда Абу Исо Термизийнинг “Аш-шамоил ал-Муҳаммадийя” ва “Сунани Термизий” асарларининг таржимасини тайёрлашда ва мазмунини тўлдиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

давлатнинг аҳолининг асосий эҳтиёжларини таъминлашга оид ижтимоий-иқтисодий фаолияти ва мажбуриятлари, ҳалол ва адолатли бошқарув тизимини ўрнатиш, иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш, халқнинг фаровонлигини таъминлаш сиёсатига оид қарашларининг Янги Ўзбекистонда инсон кадрини юксалтириш, ижтимоий давлатни барпо этиш мақсадларига ҳамоҳанглигига оид илмий хулоса ва тавсиялардан “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Тақдимот” кўрсатуви сценарийсини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 4 июлдаги 02-40-533-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувда ўз аксини топган илмий материаллар телетомошабинларнинг Абу Юсуфнинг ижтимоий-фалсафий ғоялари ва уларнинг Марказий Осиё халқлари ҳаётига таъсири ҳамда унинг илмий меросига доир билимларини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижалари эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари, асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 125 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти асосланган.

Диссертациянинг **“VIII-IX асрларда ислом иқтисодиёти назарий-фалсафий асосларининг шаклланиши”** деб номланган биринчи бобида илк Аббосийлар даврида ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт ва ислом мутафаккирлари қарашларида ислом иқтисодиётининг фалсафий асослари ҳамда Абу Юсуф – давлат солиқ назарияси асосчиси эканлиги фалсафий таҳлил этилган.

Диссертацияда Аббосийлар сулоласи даврининг дастлабки эллик йиллик тарихидаги ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий ҳамда иқтисодий масалаларнинг адолат тамойиллари асосида жамият ҳаётига таъсирини, халифаликнинг тасарруф этилган ҳудудларда олиб борган исломлаштириш сиёсатининг мусулмон ёки номусулмон халқлар маданияти, маънавияти, хўжалиги равнақига таъсири шунингдек, айрим ҳудудларда табақаланиш жараёнларида келиб чиққан муаммоларни ислом шариати ва қоидалари, Қуръон ва суннага асосланишини таъминлашга қаратилган давлат бошқарувининг назарий манбаларини фалсафий таҳлил этилган.

Тадқиқотчи Аббосийларнинг араб халифалиги қўли остида бўлган улкан мамлакатни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, бу ҳудудларда яшаётган халқларнинг ҳаёти, турмуш тарзи ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишга, мусулмон жамиятини мустаҳкамлашга, халифаликнинг қудратини оширишга, таъсирини кучайтиришга ҳаракат қилганликларини ишончли манбалар асосида очиб берган. Шунингдек, бу даврда Аббосийлар асосий диққат-эътиборни халифаликка қўшиб олинган ҳудудларни сақлаб қолиш, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётни тиклаш, жамиятда ўзаро ҳамжиҳатлик яъни мусулмон умматига бирлашиш орқали жамият ҳаётини барқарорлаштириш, турли даражадаги фотихлик сиёсатини тўхтатиб туришга ҳаракат қилганини уқтирган. Албатта, ислом динининг вужудга келиши Мухаммад пайғамбарнинг мусулмон умматига бошчилиги ўзига хос тарзда давлат бошқаруви усулининг ҳам юзага келганини англатади. Шу маънода, халифаликда бошқарув ижтимоий ҳаётни изга солиш, тараққий эттиришда халифа ва унинг атрофидаги ноиблари, маслаҳатчиларига ҳам боғлиқ бўлиб қолган эди.

Аббосийлар маъмурий бошқарув тизимини шакллантириб, уларни тўртта девон ҳамда бошқарув муассасаларини ташкил этдилар. Ҳар бир девон вазифасига қараб бир неча кенгашларга бўлинган.

Диссертант манбаларга таяниб, халифаликда таълим олиш бепул ташкил этилганлиги, тасарруф қилинган ҳудудларда илм-фан, ислом илмлари, Қуръон ва ҳадисни ўрганишни рағбатлантиришга ҳаракат эканлиги таъкидланади. Тадқиқотчи, айнан давр билан боғлаб, халифа Маъмун томонидан ташкил этилган “Байт ал-ҳикма” ўзига хос илм марказига айланиб унда, фалсафа, мантик, тиббиёт, астрономия, математика, юнон фалсафасига доир асарларни таржима қилиш ишлари олиб борилганини асослайди.

Диссертацияда мавзу доирасида мусулмон жамиятининг иқтисодий-ижтимоий асосларига ҳам эътибор қаратилган. Мусулмон жамиятида иқтисодий муносабатларда ислом динининг муқаддас манбаларига таянилган. Диссертант ислом иқтисоди ва солиқ тизимини яратишда Муовия ибн Убайдуллоҳ ал-Ашъарий, Абу Юсуф, ал-Қурайши, Абу Убайд, Яҳё ибн Одам, Қудама ибн Жаъфар, ал-Довудий, Ибн Занжавайх, ал-Маҳзумийларнинг хизматлари катта бўлиб, уларнинг мероси мусулмон дунёсида қўлланиб келинганини манбалар асосида исботлаган.

Диссертант, ҳар қандай мамлакатнинг фаровонлиги, жамиятнинг барқарорлигини таъминлаш, инсонлар турмуш тарзини яхшилаш, ўзаро бирдамлик муҳитини яратиш ҳам иқтисодий масалаларнинг ижтимоий адолат тамойилларига таяниб ҳал этилишига боғлиқ бўлганидек, халифалик ҳам бундан мустасно эмас эди. Тасарруф қилинган ҳудудларда ўзаро келишмовчиликлар, турли низолар билан бирга мазҳаблар, фирқалар ўртасида мавжуд масалаларда ҳар хилликлар бўлиб, айрим ҳудудларда норозиликлар ҳам келиб чиққан эди. Бу мамлакатда ягона тизим яратиш, солиқларни адолатли ва ислом шариатига мос аҳли сунна ва жамоа қоидаларидан чиқмасдан ҳал этишни тақозо этарди.

Диссертант Абу Ҳанифанинг шогирди Абу Юсуф ушбу тизимининг шаклланишига улкан ҳисса қўшганлигини, унинг “Китоб ал-харож” асари айнан шу мақсадларда ёзилганлигини уқтиради. Ёқуб Абу Юсуф ибн Иброҳим ал-Ансорий ал-Куфий ҳижрий 113 йил (милодий 735 йил) Куфа шаҳрида туғилган. Абу Ҳанифа вафотидан сўнг унинг ишларини давом эттирган ва ҳанафийликнинг кенг тарқалишига муносиб ҳисса қўшган. Аббосий халифалар Маҳдий, Ҳодий ва Хорун ар-Рашид даврида юқори лавозимларда фаолият юритиб “Қози-ал-қуззот” (бош қози) лавозимида кўтарилгани ишончли манбалар билан асослайди.

“Китоб ал-харож” халифа Хорун ар-Рашиднинг буйруғига асосан Абу Юсуф “Қози-ал-қуззот” (бош қози) лавозимида бўлган даврида ёзилган. Китоб халифа томонидан берилган саволларга жавоблар шаклида тузилган. Бу ўзига хос услубда, халифа номидан саволлар муаллифнинг ўзи томонидан шакллантирилган. “Китоб ал-харож”нинг ёзилишидан кўзланган асл мақсад амалиётда давлат даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мақбул мутаносибликни топишдан иборат бўлган. Абу Юсуф ўз асарларини ҳукмдорнинг фуқаролари олдидаги мажбуриятларини кўриб чиқиш

талқинида ёзган. Шунини айтиш мумкинки, бу мавзуга бағишланган асарларни мусулмон давлатида кўплаб топиш мумкин. “Китоб ал-харож”да 550 га яқин ҳадис келтирилган. Бироқ Абу Юсуф фақатгина Қуръон Карим оятлари ва ҳадисларни келтириб ўтмай, уларни фикҳий ҳукмлар чиқаришда исбот сифатида фойдаланган.

Диссертант “Китоб ал-харож” асари аҳамиятига эътибор қаратиб, биринчидан, мамлакатда давлат даромадининг асосий манбаи бўлмиш ер солиқлари тизимлаштирилгани, иккинчидан, молиявий соҳада давлатнинг ижтимоий фаолиятини ҳанафийлик мазҳаби усул ва қоидалари асосида йўлга қўйиш амалиёти учун шароит яратиб берган деган хулосага келади.

Диссертация “Китоб ал-харож” асари солиқ олинишининг тартибини, унинг қай шаклда олинишини, солиқ олишнинг турларини, мусулмон ва номусулмонларга нисбатан муносабатнинг қандай бўлиши кераклигини, давлат бошқарувида подшоҳнинг бошқарувининг адолат тамойилларига таяниб олиб борилиши борасидаги муҳим масалалар таҳлилига қаратилган. Шунингдек, Абу Юсуф томонидан “Китоб ул-асар”, “Ар-радду ‘алаа Сияр ул-Авзаъи” (Авзаъининг “ас-Сияр” китобига раддия), “Абу Ҳанифа ва Ибн Абу Лайло ўртасидаги зиддият” каби асарлар ёзиб қолдирилган.

Абу Юсуф томонидан ёзилган асарларнинг ҳар бири жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларига қаратилган ва унинг ривожига оид масалаларни ҳал этишда муҳим рол ўйнаган. У Аббосийлар даврида мусулмон жамиятида ижтимоий ҳаётнинг турли муаммоларини ҳал этишда ижтимоий адолат принципларига таянишни қўллаб қувватлаган. Турли фирқалар, оқимларнинг жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатувчи ғояларини қоралаган.

Диссертациянинг **“Абу Юсуф таълимотида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг фалсафий таҳлили”** деб номланган иккинчи боби Абу Юсуф қарашларида халқ фаровонлиги масалаларининг фалсафий жиҳатлари ва “Китоб ал-харож” асарида ижтимоий адолат ғоясининг иқтисодий-фалсафий таҳлили амалга оширилган.

Тадқиқотчи, Ёқуб Абу Юсуф “Китоб ал-харож” асаридаги ижтимоий-фалсафий ғоялар, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий муносабатлар тизимини ислоҳ этиш, мусулмон жамиятларидаги турли низолар, келишмовчиликларга барҳам бериш орқали тасарруф қилинган ўлкаларда, мусулмон диёрларида ўзаро ҳамжиҳатликка, биродарликка асосланган фаровон ҳаёт қуришнинг муҳим йўналишлари ҳақидаги асар эканлигини уқтиради. Абу Юсуф ўз қарашларида жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бир бутун яхлит шаклда тасаввур этган. Унинг ғоялари нафақат моддий ҳаёт муаммолари ечимига балки инсонпарвар мақсадларга йўналтирилганлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга бўлганлигини таъкидлайди.

Диссертацияда Абу Юсуф ўзининг ижтимоий-фалсафий қарашлари орқали илм-фан ва маданият ривожига катта ҳисса қўшгани, “Китоб ал-харож” асари эса ушбу йўналишдаги манбавий ҳужжат эканлиги таъкидланади. У жамият фаровонлигини ошириш учун баъзи ижтимоий-иқтисодий ёндашувларни ишлаб чиқди. Адолатли солиқ тизими, имтиёзлар,

давлат-шахс муносабатлари, одил суд тартиби каби масалалар жамият осойишталиги, тинчлигига, фаровонлигига қаратилган эди.

Абу Юсуф араб халифалигининг молиявий қудратини шакллантириш ва ривожлантиришда солиқлар муҳим ўрин тутишини англаган ҳолда ривожланган солиқ тизимини ишлаб чиқиш орқали мамлакат қудратини таъминлаш мумкинлигини тушунган. У ўз асарида солиқ масалалари билан бир каторда, давлат молиясининг муҳим масалалари ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларини ёритиб берган ва иқтисодий фаолият ижтимоий фаровон ҳаёт қуришнинг муҳим омили эканини кўра олган.

Абу Юсуф “Китоб ал-харож” асарида хирож солиғининг янги усулини жорий этган. Абу Юсуфгача бўлган даврда босиб олинган ерларни солиққа тортишда Умар (р.а) жорий этган тартиб бўйича амалга оширилган. Абу Юсуф Умар (р.а) ҳукмидан четга чиқиб, ўз рисоласида ернинг ҳажмидан эмас, балки етиштирилган ҳосилни тақсимлашга асосланадиган солиқ усулини – муқосама<sup>9</sup>ни таклиф этганини асослаган.

Диссертант Абу Юсуф қарашларининг асл мақсади солиқ тизими, имтиёзлар, давлат-шахс муносабатлари, адолатли суд тартиби каби масалалар жамият фаровонлигига қаратилганлигини қайд этади. Халқнинг фаровонлигини таъминлаш учун араб халифалиги, ижтимоий даромадларни бутун мусулмон уммати орасида адолатли бўлиш каби муҳим бурчини ижро этишни шарт қилиб қўйган. Айниқса бу масала, камбағал ва муҳтож, кам ҳимояланган аҳоли орасида муҳим аҳамият касб этади. У мамлакат тараққий этиши учун ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш зарурлигини таъкидлайди, шунингдек у кўприклар қуриш, каналларни қозиш каби ишларни амалга оширишда давлат бундай харажатларни қандай қоплаши бўйича таклиф берган. Бунинг учун адолатли ва самарали солиқ тизимини жорий этиш зарурлигини таъкидлайди. Давлатнинг асосий даромади экин ерларидан олинадиган солиқларга боғлиқ, шунга кўра янги солиқ тизими кўпроқ майдонларни экин экишга ундайди. У ўз халқининг эҳтиёжларини қондириш ва уларнинг ҳар томонлама яхши яшаши бўйича ҳукмдорга аниқ тартибга солинган таклифларни тақдим этган. Шунингдек, у давлат бошқарувида адолат ва тенглик зарурлигини, ҳукмдор давлат пулларини ишончли тарзда сақлаши ва унинг сарфланиши учун жавобгар эканлигини уқтиради.

Диссертант Абу Юсуфнинг ижтимоий фалсафий қарашларида давлатнинг мақсадлари деб, аҳолининг асосий эҳтиёжларини таъминлаш, динни ҳимоя қилиш ва Аллоҳнинг каломининг устунлигини таъминлаш, ҳалол ва адолатли бошқарув тизимини ўрнатиш, иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш, халқнинг умумий фаровонлигини таъминлаш эканлигини кўрсатади. Давлат бошқарув тизимида эса, мутафаккир ахлоқий меъёрлар ва қонун-қоидалар мамлакат сиёсатига таъсир кўрсатишини таъкидлайди. Давлат сиёсати исломий ҳаётнинг барча хусусиятларини ва мусулмон жамиятининг белгилаб қўйилган нормалар асосида бошқарилиши керак.

---

<sup>9</sup> Муқосама – деҳқонлар томонидан етиштирилган ҳосилнинг миқдоридан келиб тақсимлаш тизимини.

Буни иқтисодий ҳаётда шундай кўриш мумкинки, давлат сиёсати одатда ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий манфаатлари ва сиёсий мулоҳазалардан келиб чиқадиган қарама-қаршиликлардан таркиб топади. Давлат бундай вазиятда адолатлилик ва тенглик принципига амал қилиши зарур.

Диссертацияда Абу Юсуфнинг илмий-назарий умумлашмалари ҳозирги кунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги қайд этади. Айниқса, унинг “Китоб ал-харож” асарида нафақат солиқ масалалари, балки ерга ишлов бериш, ундан фойдаланиш ва ижарага бериш, қудуқлар, анҳорлар қазииш ва сувдан фойдаланиш, хорижий давлатлар билан ташқи сиёсатни ташкил этиш ва амалга ошириш, ўзга дин вакилларининг эътиқодларига ҳурмат билан қараш билан боғлиқ динлараро бағрикенглик масалалари, жамиятдаги ҳар қандай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ахлоқсизликларни бартараф этиш, жамият аъзоси ҳисобланган инсонларнинг тенглик принципи асосида яшашини таъминлашга қаратилган ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамият касб этган илғор ғоялари, ҳуқуқий қоидалари баён қилинган. “Китоб ал-харож” асарида келтириб ўтилган иқтисодий муносабатларга оид фикрлар жуда катта аҳамиятга эга, чунки бу асар ислом иқтисодиёти бўйича ёзилган илк асар сифатида илк мусулмон олимнинг тафаккури ҳақида тушунчага эга бўлиш учун асарни батафсил кўриб чиқиш керак эди, айниқса давлат молияси ва бошқарув тизими бўйича кенг қамровли маълумотларни ўзида жамлаганлиги китобнинг бугунги кундаги аҳамиятини янада оширади.

Ислом иқтисодиётининг ахлоқий асосларидан бири адолатлилик тамойилидир. Ислом бозор иқтисодиёти ва бозор таъсирини рад этмайди. Ҳатто манфаат олишга бўлган рағбат мантӣқ доирасида мақбулдир. Хусусий мулкчилик буткул рад этилмайди. Исломдаги иқтисодий муносабатларда баъзи диний ва ахлоқий меъёрлар чекланади. Қуръони Каримда ҳалол меҳнат улуғланади, барча бойлик шу асосида пайдо бўлиши уқтирилади. Судхўрлик қораланади, мулкнинг муқаддаслиги, бировнинг мулкига хиёнат ва ҳатто ҳасад қилиш катта гуноҳ, деб кўрсатилади. Исломда жамиятнинг тенгсизлиги тақдири азалдан деб, тан олинади, аммо ҳалоллик ва тўғрилиқ буюрилади ва ёлғон ишлатиш, ўғрилиқ ва меҳнатсиз даромад топиш ман қилинади.

Абу Юсуфнинг қарашларида исломни халқ орасида фақатгина ёйиш эмас, балки унга амал қилиш қайд этилади. У ўзи ёзиб иққан китобларида кишилар амал қилиш керак бўлган нарсаларни қонун тусига чиқаради. Натижада у оддий кишилар кундалиқ ҳаётда амал қиладиган нарсалар эмас, балки давлат қонунни этиб белгиланади. Исломнинг асосий мафкуравий асосларидан бири адолат тамойилидир. Ижтимоий адолат таълимоти исломнинг илк даврдан шаклланган бўлиб, минг йиллар мобайнида иқтисодий фаолиятнинг ахлоқий жиҳатлари билан ҳимояланди. Ислом анъанасида ҳамма нарсанинг ҳақиқий эгаси Аллоҳ эканлиги, шахс – мулкларни ишончли тасарруф этувчи эканлиги, инсонга ишониб топширилган ресурслар бутун жамият учун хизмат қилиши кераклиги, ресурсларни тақсимлашда адолат тамойилидан келиб чиқиш лозимлиги тушунчаси мавжуд. Бу ислом мафкурасидаги энг муҳим омил ҳисобланади.

Чунки жамиятнинг иқтисодий соҳаси билан тақволи муслмон кишисининг ўзаро фаолияти бир-бири билан боғлиқ жиҳатлари кузатилади. Бунда, адолат иқтисодий ресурсларни тасарруф этишда меъёр бўлиб хизмат қилади.

Абу Юсуфнинг ижтимоий-фалсафий ғоялари ўз даврида ислом қонунчилиги учун муҳим ҳисобланади. Ислом динида моддий бойликларни адолатли тақсимлаш, солиқ солишда шахснинг ижтимоий ҳолатини ҳисобга олиш, иқтисодий муносабатларда шартнома шартларига қатъий амал қилиш улкан аҳамиятга эга. У томонидан ёзилган асарларнинг ҳар бири жамиятнинг бирор жабҳасига қаратилган ва унинг ривожидида муҳим рол ўйнаган. Бу асарлар кейинчалик ҳам кўпгина ислом давлатчилигида қонунчилик учун асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотчи Абу Юсуфнинг илмий меросини ўрганиш фуқароларнинг тинчлиги, уларнинг моддий ва маънавий ҳаётини яхшилаш, аллома томонидан илгари сурилган ижтимоий адолатли жамиятнинг иқтисодий асослари борасидаги масалаларни ёритиб ўтгани, хусусан ҳукмдорнинг фуқаролар олдидаги мажбуриятлари, давлат ўз фуқароларидан солиқ йиғар экан, улар хазинага қанча тўлашларидан қатъий назар, ижтимоий ҳимоя билан таъминланиш мажбуриятини олиши кераклиги тўғрисидаги тавсиялари барча миллат ва динга мансубларга нисбатан қонун талабларига мувофиқ қўлланилиши мумкинлиги инсоният тамаддуни учун жуда муҳим манба сифатида талқин этади.

Абу Юсуф мамлакат ривожининг юқори суръатларига эришиш ва соғлом хазинани сақлашга катта аҳамият берди. Бошқа томондан, аҳолига адолатли ва ҳалол муносабат зулмни олдини олишга, давлатнинг тараққий этишига таъсир кўрсатади. Унинг давлат ҳақидаги қарашларини замонавий иқтисод назариясида “фаровонлик давлати” тушунчаси билан таққосласа бўлади. Бугунги кун олимлари “фаровонлик давлати” концепцияси замонавий сиёсий-иқтисодий ҳолатга тегишли деб ҳисоблашади. Бироқ, давлатнинг иқтисодий ҳаётдаги роли ҳақидаги қарашларига эътибор қаратсак, давлат фаровонлиги учун жуда кенг қамровли концепцияни мақсад қилганини кўришимиз мумкин.

Абу Юсуфнинг ижтимоий адолат ғоясининг иқтисодий-фалсафий асослари давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларда муҳим аҳамиятга эга. Абу Юсуф фақатгина қози бўлиб қолмай, балки Ҳорун ар-Рашидга маслаҳатчиси, ҳам қози ва ҳам фикҳшунос олим бўлган. У ўзининг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашларида Қуръони Карим ва ҳадислар билан бир қаторда, ақлий мушоҳадалардан фойдаланган.

Диссертациянинг “**Абу Юсуфнинг ижтимоий-фалсафий ғояларининг жамият ҳаётида тутган ўрни**” деб номланган учинчи боби Ҳанафий мазҳаби қоидаларининг тарқалишида Абу Юсуфнинг хизматлари ва Марказий Осиё халқлари ҳаётида “Китоб ал-харож” асарининг аҳамияти ҳамда Абу Юсуф ижтимоий-фалсафий қарашларининг мамлакат тараққиётига қўшган ҳиссасига оид масалалар фалсафий таҳлил этилган.

Тадқиқотда Абу Ҳанифа таълимотини шакллантириш ва тарқатишда унинг кўплаб шогирдлари тилга олинса-да, бироқ улар орасида Ёқуб Абу Юсуф алоҳида ажралиб туриши таъкидланади. Абу Юсуф халифаликнинг бош қозиси лавозимида ишлаганлиги туфайли ханафийлик назариядан амалий ҳаётга татбиқ этилди ва халифалик бўйлаб кенг тарқалишига сабаб бўлди. Ҳорун ар-Рашид ханафийлик мазҳабининг йирик вакили Абу Юсуфни халифалик бош қозиси этиб тайинлаши, ушбу мазҳабнинг мамлакат бўйлаб тараққий этишига сабабчи бўлди. Абу Юсуф илмли ва кучли характерли шахс бўлиб, унинг қобилияти ва ҳаракатлари эвазига империя гуллаб яшнади. Ханафийлик мазҳаби давлат мазҳабига айланди, чиқариладиган қонунлар ушбу мазҳаб нуқтаи назаридан чиқарилар эди. Ханафийликнинг бу даражада юксалишида Абу Ҳанифанинг буюк шогирди Абу Юсуфнинг хизматлари катта бўлган.

